



Галаба тантанаси каби янграган «Танк кўшинларида тартиб» маршлари ва урушдан олдинги «душманни озгина кон, кучли зарба билан енгамиз» деган ваъдаларга, танк ва авиацияда етти карра устунликка карамасдан, 1941 йил ёз ойларида таркибий Кизил Армия факат санокли ҳафталар ичида тор-мор этилди. Уруш арафасида Вожднинг ўз юзига қараб: «Сиз бизга тобутларда учишни мажбурлаяпсиз!» деб айтгани учун отиб ташланган Ҳаво кучлари кўмондони Павел Рычагов ҳақ эди. Гарбни «қувиб етиб олиш» уринишида мислсиз қуролланиш пойғасини бошлаб, мамлакатни очарчилик ва қашшоқликка олиб келиб, самарасиз ва аслида жангга лаёқатсиз қурол-яроғ тўплаб ташлаган ҳолда, Сталин Кизил Армияни ҳалок қилди ва СССРни ҳам йўқ қилиб юбора ёзди... «Сталин қирғийлари» ва «Иккинчи жаҳон урушидаги энг яхши танк» ҳақидаги совет афсоналарини инкор этар экан, бу китоб Кизил Армия барча жихатдан Вермахтдан орқада қолганини исботлайди, СССРнинг танк ва самолётсозликдаги қамдан-қам ютуқлари гарб ютуқларини ўғирлаш ва қўчириш натижаси бўлган, авиацияда ҳам, танк қўшинларида ҳам тартиб бўлмаган, ва уруш тугагунига қадар Кизил Армия душманни жасадлар билан қўмган, Кремл зўравонининг айби билан «тобутларда уруш олиб бориш»га мажбур бўлган.

1941 йилдаги Киев мудоффаа операцияси (Киев қазони)

1941 йил июль ойи охирида немис кўмондонлиги ўз олдида қўйган мақсад — Киев атрофидан Кизил Армиянинг йирик қисмларини Совет ҳудудининг ичкари қисмига чекинишини олдини олиш ва уларни Днепрнинг гарбий томонида йўқ қилиш эди. Август ойи бошларида (7–16), Киевни химоя қилиш йўлида бекиёс уринишлар эвазига совет қўшинлари душманнинг ҳужумларини қайтаришга ва бир муддат вазиятни барқарорлаштиришга муваффақ бўлишди. Бирок немисларнинг Днепрга томон янада илгарिलाши, дарёни кечиб ўтишлари ва Запорожье ҳамда Кременчуг-Черкас атрофида плацдармларни эгаллаши Днепр қайирида жойлашган Жануби-Гарбий фронтнинг 5 та совет армияси учун муҳосара ҳавфини юзага келтирди. Бу ерда шимолдан жанубга қуйидаги армиялар жойлашган эди: 21-армия (В. И. Кузнецов), 5-армия (М. И. Потапов), 37-армия (А. А. Власов), 26-армия (Ф. Я. Костенко), 38-армия (Д. И. Рябышев). Жануби-Гарбий фронтни тор-мор этиш ва шундан кейин Крим ҳамда Украинадаги кўмир-саноат районларини эгаллаш мақсадида Гитлер Москвага асосий зарба беришни кечиктирди ва бир қисм қўшинларни Москва йўналишидан жанубга бурди. Сталин эса немисларнинг Москвага яқин орада ҳужум қилишига ишонган ҳолда, вақтли чекиниш буйругини бермади ва август охири — сентябрь бошларида Киев учун жанглар янада қучайди.

Август ойи охирига қелиб Гудериан қўшинлари Десна дарёсининг Контоп ва Новгород-Северский ҳудудларида икки плацдармни эгаллашга муваффақ бўлди ва бу билан Жануби-Гарбий фронт қўшинларининг чуқур ортига чиқиб кетиш ҳавфини юзага келтирди. Конотоп, Новгород-Северский, Полтава, Ромни ва Лохвиц томон йўналган ҳужумлар натижасида 1941 йил 15 сентябрь куни немислар 5-, 21-, 26- ва 37-армияларни камраб олган улкан муҳосара халқасини ёпишди. Муҳосарага Жануби-Гарбий фронт кўмондонлиги ҳам тушиб қолди. 17 сентябрда, армиялар штаблари билан алоқа бутунлай узилишидан бир неча дақиқа олдин Кирпонос барча армияларга шарқ томон йўналишда муҳосарадан чиқиш буйругини беришга улгурди. Қазондан ташқарида бўлган 38- ва 40-армиялар Ромни ва Лубни йўналишидаги зарбалар орқали бизнинг қўшинларнинг муҳосарадан чиқишига ёрдам бериши керак эди. 19 сентябрга ўтар кечаси совет қўшинлари Киевни тарк этди.

Улкан микдорда одамлар ва техника шарққа томон ҳаракатлана бошлади; Жануби-Гарбий фронтнинг кўмондонлиги ва штаби назоратни бутунлай йўқотди. Қўшинларни режали равишда эвакуация қилишнинг иложи бўлмади — бошқарувсиз қолган, катта йўқотишларга учраган бўлинмалар душман зарбалари остида оз-оз гуруҳлар билан, техникасини ташлаб чекинишди. Жангни давом эттирган 37-армия 21–23 сентябргача чидам берди, 5- ва 21-армиялар қўшинларидан иборат гуруҳ 25 сентябргача қаршилик кўрсатди, 26-армия қолдиқлари эса душман билан 26 сентябргача жанг қилди.

Совет аскарлари асирликда

20 сентябрь куни Жануби-Гарбий фронт ва 5-армия штабларидан иборат тахминан 1000

кишилик кўшма колонна Лохвица шаркида немисларнинг 3-танк дивизияси асосий кувватлари томонидан хужумга учради ва натижада халок бўлишди: фронт кўмондони М. П. Кирпонос, Харбий кенгаш аъзоси М. А. Бурмистенко, фронт штаби бошлиги В. И. Тупиков, фронт бошқарувининг генераллари — Добыкин, Данилов, Панюхов, армия харбий кенгаши аъзолари — Никишев, Кальченко, армия штаби бошлиги Писаревский. 5-армия кўмондони Потапов огир яраланди ва асирга олинди.

26 сентябрь куни Киев стратегиявий мудофаа операцияси якунланди. Россия Федерацияси Куролли Кучларининг Бош штаби томонидан 1993 йилда эълон килинган маълумотларга кўра, бу операциядаги совет йўқотишлари 700 минг нафардан ортикни ташкил этган, шундан 627,8 минг нафар — бекайтиш йўқотишлар. Жануби-Гарбий фронтнинг маглубияти немисларга Шаркий Украина, Приазовье ва Донбассга йўл очди, бироқ фашист кўшинларининг шаркка илгарилашини секинлаштирди ва совет кўмондонлигига Москва мудофаасига тайёргарлик кўриш имконини берди.

Абу Муслим